

Бақара сураси, 122-оят

09:20 / 19.11.2017 3678

Эй Бану Исроил, сизга инъом этган неъматларимни ва Мен сизларни оламлардан афзал қилиб қўйганимни эсланг! Бақара 122.

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло Бану Исроилга аввалги оятларда қилган эслатмаларини умумлаштирмоқда. Юқорида ўтган оятларда «Уни эсланг, буни эсланг», деб, ҳар оятда биттадан неъмат зикр қилинган эди. Энди эса:

«Эй Бану Исроил, сизга **инъом этган неъматларимни... эсланг!**» - деб ҳамма неъматлар бирдан эслатилмоқда. Шу билан бирга, Бану Исроилга яна алоҳида эътибор бўлганини ҳам эслатиб:

«...Мен сизларни оламлардан афзал қилиб қўйганимни эсланг!» - деб айтилмоқда.

Ушбу жумлада зикр қилинган «Бану Исроилни оламлардан афзал қилиб қўйиш» ўша даврга хосдир. Яҳудийларнинг ўзлари даъво қилганларидек, бу дунё-ю, у дунёнинг абадий афзаллиги эмас. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло маълум муддат уларни оламлардан афзал қилиб қўйди. Лекин яҳудийлар ўз нобакорликлари ила сийлашга арзимасликларини кўрсатдилар ва Аллоҳ таолонинг лаънатига учрадилар.

Шундай бўлса ҳам, Аллоҳ таолонинг даргоҳи кенглиги учун яна бир бор уларни қиёмат кунидан қўрқашга, ўзларини ўнглаб олишга ундамоқда.